

# ИТЛАР ОРАСИДА КҮЗ КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАРҚАЛИШИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИНЛАШТИРИШ.

Доцент Нарзиев Бахтиёр Даляиевич.

Ассистент Равшанов Миржалол Акмал ўғли.

мустақил тадқиқочи Нарзиев Нурмуҳаммад Бахтиёрович

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

## Аннотация

В данной статье представлены результаты исследований по болезням глаз их распространение у собак и усовершенствование консервативного и хирургического лечение.

## Summary

In this article was shown the results of researches diseases third eyelid of dogs and their conservative and surgical treatment.

## Калит сўзлар:

учинчи қовоқ, фолликуляр конъюнктивит, учинчи қовоқ аденоомаси, учинчи қовоқни буралиши, даволаш, операция, кўз томчилар, суртмлар, антибиотиклар.

## Key words:

third eyelid, follicular conjunctivitis, adenoma of third eyelid, treatment and surgery.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Кўз касалликлари касалликлари итлар орасида кенг тарқалган. Е.П. Копенкиннинг таъкидлашича, охирги 10 йилда клиникага келтирилган итлар орасида фолликуляр конъюнктивит 78 итда, учинчи қовоқ аденоомаси 77 итда, учинчи қовоқни қайтиб қолиши 22 итда аниқланди. Кўз касалликлари, айниқса улар кўриш қобилиятини пасайиши ёки йўқолиши билан боғлиқ бўлса, ҳайвонларни маҳсулдорлигини кескин пасайишига, итларда ишлаш қобилиятини йўқолишига ва айрим пайтларда, септик жараён ривожланиши натижасида ҳайвоннинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин (А.Ф. Русинов, 1987; Е.П. Копенкин, 2002, 2008; А.В. Лебедев ва бошқалар, 2004).

Олиб борилган текширишлар ва адабиёт маълумотларига кўра (Капенкин Е.П. 2002, 2008; Лебедев А.В., Черванев В.А., Трояновская Л.П., 2004; Ниманд Х.Г., Сутер П.Ф., 2008) бошқа кўз касалликларига қараганда учинчи қовоқ касалликлари кенг тарқалган булиб уларга қуидагилар киради: фолликуляр конъюнктивит, учинчи қовоқ аденоомаси ва учинчи қовоқни ичкарига қайтиши. Фолликуляр конъюнктивит сурункали инфекцион бўлмаган кўзниң шиллиқ пардасини яллиғланиши бўлиб, бунда лимфа фолликуляр шикастланади. Улар инфильтрация ва пролиферацияга учрайди. Касалликни специфик сабаблари аниқланмаган, лекин келтириб чиқарувчи механик ва кимёвий қитиқловчилар мавжуд. Механик қитиқловчиларга шикастланиш, бегона жисмлар, қовоқларни қайтиб қолиши кирса, кимёвий қитиқловчиларга эса ҳаводаги аммиак, оҳак чанги, ультрабинафша ва

рентген нурлари, узоқ вақт дориларни құллаш ва бошқалар киради. Касаллик патогенезининг асосида субэпителиал қаватда шиш ҳосил бўлиши ётади. Қитиқловчилар конъюнктивада лейкоцитлар ва плазмоцитларни инфильтрациясими ва лимфа фоллиулларда шиш ҳосил қиласди. Учинчи қовоқни ички тарафида гиперемия ривожланади, биринчи түқима шиши натижасида майда тугунчали бўртиқчалар ҳосил бўлади, аста-секин лимфафоллиулларни сони ва ҳажми катталашади. Бунинг натижасида блефароспазм ривожланади, конъюнктива бўшлиғидан шилимшиқ-сероз суюқлик оқиб чиқади.

Учинчи қовоқ аденонаси (Гардеев бези) – бу асосан декоратив ва овчи итларда учрайдиган кўз касалликларидан бири бўлиб, катарал ва фоллиуляр конъюнктивит ҳолатида кечади. Касалликда томирлар реакцияси ва учинчи қовоқни гиперплазияси кузатилади. Аденома ривожланганда учинчи қовоқда нўхатсимон шиш ҳосил бўлади ва кўзни ички бурчагидан ташқарига бўртиб чиқади.

Учинчи қовоқни қайтиб қолиши ит зотларидан дөглар, немис овчаркаси, доберман-пинчер зотларида бошқа зотларга нисбатан кўпроқ учрайди. Унинг келиб чиқишини асосий сабаблари учинчи қовоқ безини гиперсекрецияга олиб келтирувчи касалликлар бўлиб ҳисобланади. Бунинг таъсирида тоғай пластинаси тўқимасида модда алмашинуви жараёнини бузилиши натижасида деструктив ва дегенератив ўзгаришлар ҳосил бўлади. Бу жараённи оқибатида тоғай синиб ташқарига ёки ичкарига қайтади. Бунда кўзни шиллик пардаси қизаради, шишади, фоллиуллари гиперплазияга учрайди. Кўзни ички бурчагида қуюқ шилимшиқ-йирингли оқимтир-яшил экссудат йигилади.

**Тадқиқот обьекти ва услублари.** Текширишлар Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ветеринария жарроҳлиги кафедрасига қарашли хирургик клиникада олиб борилди. 2018-2020 йилларда 50 та текширилган итларнинг 15 тасида кўз касалликлари аниқланди. Тажрибалар учинчи қовоқ касалликлари билан касалланган 15 та итда олиб борилди.

#### **Учинчи қовоқ касалликлари ва уларни даволаш усуслари**

Жадвал № 1

№	Учинчи қовоқ касаллиги	Итлар сони	%	Даволаш усули
1	Фоллиуляр конъюнктивит	3	6	консерватив
2	Учинчи қовоқ аденонаси	5	10	хирургик
3	Панофтальмит	2	4	хирургик
4	Керато-конъюнктивит	5	10	консерватив

Жадвалдан кўриниб турибтики итлар орасида кўз касалликлар кенг тарқалган бўлиббарча қабул қилинган касал хайвонлар орасидан 30 % ташкил қиласди. Шундан фоллиуляр конъюнктивит 6 %, учинчи қовоқ аденонаси 10 %, панофтальмит 4 %, керато-конъюнктивит 10 % тшкил қиласди. Тадқиқотлар олиб бориш жараённида бизлар хайвонларни текшириш умумий ва маҳсус усуслардан фойдаландик.

#### **Олинган натижалар.**

Фоллиуляр конъюнктивит билан касалланган 3 та итнинг учинчи қовоқни фоллиуляр конъюнктивитини консерватив усул билан даволадик.

Бунинг учун кўздан оқиб чиқаётган шилимшиқ суюқликни 1:5000 нисбат фурациллин билан ювилади, шундан сунг учинчи қовоқни ички тарафидаги лимбофолликуляр 0,1 % азот нитрати суюқлиги ёки ляпис қалами билан куйдирилади ва шу заҳотиёқ 0,9 % натрий хлор эритмаси билан ювилади. Буни ҳар 3 кунда бажариш лозим, жами 3 марта. Шундан сўнг Софродекс кўз томчиси кунига икки маҳал 3-4 томчидан томизиб турилади. Бошланғич даврида бу усул яхши натижা беради. Учинчи қовоқ аденонаси билан касалланган 5 итларни хирургик йўл билан даволаш олиб борилади.

*Фиксация ва оғриқсизлантириши.* Касал итлар Виноградов операция столига ёнбош ҳолатида фиксация қилинади. Умумий оғриқсизлантириш мақсадида билак тери ости венасига 2,5 % аминазин ва 2 % ксиленит юборилди, шундан сўнг учинчи қовоқни асосига 0,5 % новокаин эритмаси 2-3 мл туйинтириш усули билан юборилади. Бир неча дақиқа ўтгандан кейин операция жараёни бошланади. Учинчи қовоқ аденонасида кесим қовоқни юқори қисмида амалга оширилади. Операция вақтида қон оқишини бирданига тўхтатиш мақсадида жароҳат четларига узлуксиз чок кетгут билан қўйилади. Аденома учинчи қовоқни асосида жойлашади, кесим шу жойга етгандан кейин ташқи тарафдан шиллиқ парда қовоқдан ажратиб олинади ва аденона кўз қайчиси билан аста-секин ҳаракат қилиб атрофдаги тўқималардан ажратиб олинади. Аденома атрофидаги қон томирларга кетгут билан чок қўйилади. Аденома тўлиқ ажратиб олиб ташлангандан кейин, учинчи қовоқни қолган қисми кесиб олиб ташланади ва жароҳати тўлиқча кетгут билан чокланади.

Операция ўтказилганидан кейин 7 кун давомида даволаш олиб борилади. Бунинг учун кўз атрофи 1:5000 фурацилин эритмаси билан артилади ва Софрадекс, Левомицетин, Дексаметазон, Барс кўз томчиларидан фойдаланилади, 2-3 томчидан 2-3 маҳал томизиб турилади. Шундан сўнг 15-20 дақиқадан кейин гидрокортизон кўз малҳами ичкарига суртилади.

Панофтальмит бу кўзнинг барча тўқималарини йирингили яллиғланиши. Панофтальмит билан касалланган 2 итнинг кўз олмаси тулиқча олиб ташланди. Бу операция умумий оғриқсизлантириш билан олиб борилади. Бунинг учун 2,5% Аминазин ва Кетаминдан фойдаландик. Қушимча кўз нерви оғриқсизлантирилади.

Опеарция техникаси: Мхусус асбоблар ёрдамида юқори ва пастки қовоқлар очилади. Кўз қайчиси ёрдамида кўз олмаси айланасига атрофдаги тўқималардан ажратиб олинади ва кесим ичкарига чуқрлаштирилиб борилади, охирида кўз нерви кесилади. Бўшлиқа докали дренаж қўйилади, уни тушиб кетишини олдини олиш мақсадида қовоқларга провизор чок қўйилади.

Керато-конъюктивит билан касалланган 5 ит симтоматик даволанди. Бунинг учун Софрадекс, Дексаметазон кўз тамчилари ва таркибида антибиотиги бор суртмалардан фойдаландик.

## **Хуносалар**

1. Итларда учинчи қовоқ касалликлари итлар орасида кенг тарқалган ва 30 % ни ташкил қиласади.
2. Учинчи қовоқни фолликуляр конъюнктивитнинг бошланғич даврида ва керато-конъюнктивитни даволаш консерватив усул билан олиб борилади.
3. Учинчи қовоқни аденонаси ва панофтальмитни даволашда операция ўтказиш йўли билан олиб борилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Копенкин Е.П. Болезни глаз собак и кошек. Зоомедвет, 2002, 4-1-2.
2. Копенкин Е.П., Сотникова Л.Ф. Болезни глаз мелких домашних животных.-М.: КМК, 2008. 134 с.
3. Лебедев А.В., Черванев В.А., Трояновская Л.П., Ветеринарная офтальмология.-М.: Колос.2004.200 с.
4. Ниманд Х.Г., Сутер П.Ф. Болезни собак.-М.: Аквариум. Принт, 2008-182 с.
5. Русинов А.Ф. Болезни глаз животных. Харьков, 1987. 125 с.